

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТАРИХИДАН

Пирматов И.А., магистр

Ушбу мақолада Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон инсониятининг энг қадимги масканларидан бири эканлиги фан оламида тан олинганлиги. Бу диёрда ташиқил топган қадимги маданият ўзга юртлардан кириб келган эмаслиги, балки туб маҳалий асосда вужудга келганлиги ҳақида мулохаза ва маълумотлар ёритилган.

Илк палеолит даври археологияси хронологияси бўйича одамзоднинг пайдо бўлишидан, яъни 2,5-3 миллион йиллардан 150 мингинчи йилларга қадар давр билан белгиланган. Олимларнинг кўп йиллик дала тадқиқот ишлари туфайли Ўзбекистон илк палеолит даври яхши ўрганилган. Бунда М.Р.Қосимов, Д.Н.Лев, Ў.И.Сулаймонов, Б.Сайфуллаев, А.П.Окладников, О.Т.Эргашев сингари археологларнинг хизмати катта бўлди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 10 дан зиёд илк палеолит-ашелл даври ёдгорликлари топиб ўрганилган.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида зинжантропга замондош одамлар яшамаган. Ундан кейин яшаган одамзод питекантроп одамлар бўлиб, улар бундан 1 миллион бурун яшаган. Унинг замондоши ҳам Ўрта Осиёда ҳозирча учрагани йўқ. Питекантроплардан кейин, яъни бундан 500-600 йиллар бурун яшаган одамзод аждодларининг илк излари Хитойдан топилиб, уларни олимлар синантроплар деб аташди. Синантроплар топилган дастлабки маконда (улар ғорларда яшаган) тошдан ишланган меҳнат куруллари билан биргаликда қалин кул қатлами ҳам топилган. Шунингдек, қалин маданий қатлам ва қатлам ичида ҳайвон суяклари ҳам учраган. Бу қолдиқлар синантропларнинг ғорда узоқ вақт (бир неча юз минг йиллар) яшаганлигидан гувоҳлик беради. Синантроплар давридан бошлаб одамзод биринчи бор олов билан танишди ва ундан ўз ҳаёт фаолиятида фойдаланди. Ана шу синантропларга замондош ибтидоий одам аждодининг излари Ўзбекистоннинг бир неча жойларида учрайди. Бу давр одамлари ҳам тўда-тўда бўлиб яшаганлар. Улар табиат иқлими совиб, айрим жойларни музликлар қоплаган, айрим жойларни эса тўхтовсиз ёмғирлар ёға бошлаган замонда яшаганлар. Бу давр ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи – ашелл даврига тўғри келади.

Синантроплар даврида ибтидоий аждодларимиз асосан ғорларда яшаган. Уларнинг кундалик тирикчилиги ёввойи дарахтларнинг мевалари, айрим

ўсимликларнинг илдизлари эди. Улар биргалашиб йирик ҳайвонларни ов қилганлар. Бироқ ов ўлжаси ҳисобига кун кечириш синантроп заминдошлар учун жуда оғир бўлган. Шунинг учун бўлса керак, улар қурт-қумурска ва майда кемирувчи жониворларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлганлар.

Бу давр одамларининг меҳнат қуроллари асосан тошдан, йирик ов ҳайвонларининг суяк ва шохларидан ҳамда қаттиқ дарахт шохларидан ясалган. Афсуски, замонамизнинг зайли билан бизгача у қуролларни фақат тошдан ишланганларигина етиб келган. Бу тош қуроллар археолог олимлар томонидан кенг ўрганилган ва улар биринчи бор топилган макон номи билан ашелл қуроллари деб аталган. Улар ясси тухумсимон қилиб ишланган, учи учли найзасимон, қарама-қарши томонлари эса йўғонроқ тухумсимон бўлиб, олимлар бу қуролга қўл болтаси ёки қўл чўкмор деб ном беришди. Ашелл типигаги қуроллар дастлаб Францияда топилган. Ана шу қурол ёрдамида ибтидоий аجدодларимиз йирик ҳайвонларга қарши ов қилганлар, ўлжа ҳайвон гўштини майдалаганлар ва териларини шилганлар, дарахт шохларини кесиб, улардан қуроллар ясаганлар.

Археологлар ва геологларнинг ҳисобига кўра, ашелл даври бундан бир миллион йил бурун бошланиб, милoddан аввалги 200-100 мингинчи йилларгача давом этган. Бу давр табиий-географик муҳити Ўзбекистон шароитида, геологларнинг ҳисобига кўра, табиатнинг ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган антициклон иқлим тартиби қарор топган даврга тўғри келади. Ана шу шароитда Ўрта Осиёнинг ҳозирги чўл ва даштлари ландшафти расмийлашади ҳамда шу ландшафтга хос ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси шаклланди. Ашелл даврининг охириги босқичига келиб, ҳаво кескин совийди. Оврупанинг шимолий минтақаларини музликлар қоплайди. Ўрта Осиёда асосан, унинг тоғли минтақаларида музликлар ҳосил бўлиб, дарёлар оқимида ўзгаришлар юз беради ва янги-янги дарёларнинг шаклланишига олиб келади. Ўрта Осиёнинг паст текстликларида ёмғирлар узлуксиз ёғиб, ҳавонинг гоҳ совиши, гоҳ илиши кузатилади ва улар билан боғлиқ ҳолда ўсимликлар дунёси оламида ҳам ўзгаришлар юз беради. Қалин ўрмонлар ўрнини чўл минтақсига хос ўсимликлар эгаллайди. Ўрта Осиё иқлим шароитида рўй берган бу ўзгаришлар минтақанинг айрим туманларида илк аجدодларимизнинг макон топишига имкон беради. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган илк аجدодларимизнинг манзилгоҳлари Фарғона водийсининг Сух туманидаги Селунғур ғоридан ва Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ маконида, Норин дарёси қирғоғида Онарча ва бошқа жойлардан топиб ўрганилди. Булар орасида Селунғур ва Кўлбулоқ маконлари берган материаллар диққатга сазовордир.

Селунғур ғор макони 1958 йилда А.П.Окладников томонидан топилган. Олим бу ерда археологик қазилмалар ўтказиб, топилган тош қуролларига қараб, ғор юқори палеолит даврида, яъни бундан 40-30 минг йил бурун ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган, деган хулосага келади. Аммо 1980 йилдан бошлаб А.П.Окладниковнинг шогирди академик Ў.У.Исломов ғорни қайта ўрганиб чиқади. Ў.Исломов ғорнинг бир неча жойларида қазилмалар ўтказиб, тошдан ишланган жуда бой меҳнат қуроллари ва ҳайвон суяқларини топди. Олим Селунғурда яшаган аجدодларимизнинг ғорни қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичида эмас, балки ашелл даврининг биринчи босқичида ўзлаштирилганликларини исботлади.

Селунғур ғори кўхна тарихимиз учун бениҳоят муҳим ёдгорлик. Бу макондан аجدодларимизнинг суяк қолдиқлари ҳам топилди. Антрополог олимлар Селунғур одами суяк қолдиқларининг синантропларга замондош эканлигини айтмоқдалар. Аммо Селунғур ғорининг асосий тадқиқотчиси Ў.Исломов эса ғор материалларини қайтадан ўрганиб, уларнинг ёши яқин бир миллион йил атрофида бўлиши керак, деган хулосага келди. Селунғур одамининг қолдиқлари Фарғона водийсидан топилгани учун унга “Фергантроп”, яъни „Фарғона одами” деган шартли ном берилган. Селунғурдаги илмий изланишлар ва бу ердан топилган қадимги одам суяк қолдиқлари ер юзида одамнинг пайдо бўлиш муаммоси ечимига кўшган улкан ҳисса бўлиб, эндиликда Ўрта Осиё ҳудудида одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалар қаторига киради.

Ашелл даврининг сўнги босқичида, тахминан бундан 200 минг йиллар бурун қадимги аجدодларимиз Кўлбулоқ яқинида ўзларига қароргоҳ топганлар. Бу макон Ангрен шаҳридан 10-12 км ғарбий томонда жойлашган. Бу ерда бир неча минг йиллар давомида ибтидоий одамлар яшаганлар. Кўлбулоқ макони 1962 йилдан М.Р.Қосимов, сўнги йилларда эса У.Исломов раҳбарлигида ўрганилди. Ёдгорликни қазилмалар жараёнида унинг қадимги тош даврининг деярли барча босқичларига (ашелл, мустье, юқори палеолит) тегишли эканлиги исботланган. Кўлбулоқдан одам қолдиқлари топилган, аммо тош қуроллар ва ҳайвон суяқлари беҳисоб кўп. Кўлбулоқнинг қуйи қатлами ашелл даврига тегишлидир. Ушбу ёдгорлик бутун Ўрта Осиё қадимги тош (палеолит) даври ёдгорликлари учун археологик даврий тизим берди. Юқорида баён этилган далилларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Ўзбекистон ўзининг табиий-иқлим шароити ва экологик имкониятларига кўра ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи ашелл давридан бошлаб энг қадимги аجدодларимизнинг эътиборини ўзига тортган ва бу минтақадаги Селунғур ғорида синантропларнинг замондошлари макон

топган. Бу маконда одам суяк қолдиқлари топилди. Бу воқеа Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш минтақалари тизимига киритди. Бу ердан топилган одам бош суяги антропологларнинг хулосасига кўра жуда қадимий ва ғордан топилган бошқа ашёвий далиллар билан замондош эканлиги исботланди. Ушбу топилма ўз аҳамияти билан Ўрта Осиё ҳамда Ўрта Шарқ минтақаларида тенгсиз кашфиёт ҳисобланади. Шунинг учун ўзбек археологлари ва антропологлари уни «Фергатроп», яъни «Фарғона одами» деб атамоқдалар. У одамнинг пайдо бўлиш шажарасида питекантроплар билан неандертал одамлари оралиғидаги бўғинни тўлдиради.

Онаρχа топилмаси ҳам фанда қизиқиш уйғотади. Марказий Тяньшан тоғ тизмаси минтақаларидан оқиб тушадиган Норин дарёси қирғоғидан топилган бу қуроллар ашёл даврига оидлиги исботланган. Бу ердан қайроқтошдан ишланган чоппер, яъни қўл болтаси топилган. Бундай қуроллар одатда ибтидоий қўл болталарини эслатади. Бу турдаги илк қуроллар илк палеолит даврида Ҳиндистонда ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон инсониятнинг энг қадимги масканларидан бири эканлиги фан оламида тан олинган. Демак, бу диёрда ташкил топган қадимги маданият ўзга юртлардан кириб келган эмас, балки туб маҳаллий асосда вужудга келганлиги бой археологик манбалар замирида исботланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джуракулов М.Д. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси. -Тошкент, 1984, 32-33 бетлар.
2. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. -Тошкент, 1994, 24-25 бетлар.
3. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. -Тошкент, 1990, 50-б.